

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

Ушбу сонда:

WWW.ADOLAT.UZ

«Адолат» СДПнинг
интернет тармо-
ғидаги мазкур веб
саҳифаси орқали
партия фаолияти-
га оид аниқлик-
лар, тадбирлар ва
бошқа маълумот-
лар билан тани-
шиш мумкин.ТУРКИСТОНДА
ИЛК ПАРТИЯЛАРсиёсатни маърифатдан
бошлаганГЕРМАНИЯ
БУНДЕСТАГИэнг муҳим
вазифалари ҳақидаУМРИ
ЧОРБОФ
ОТАХОН

ибрат

МАХОРАТ
МАКТАБИиқтидорлилар
маскани

2005 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ, ЖУМА • СӨТҮВДА ЭРКИН НАРҲДА • № 51 (547) • E-mail: adolat_gazeta@sarkor.uz

Анжуман

==2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили==

Ҳомийлик

хайрли ишларнинг давоми демак

Мўйдинжон СОБИТОВ,
«Адолат» мухбири

Бугун Фарғона вилоятининг қайси тиббиёт муассасасида бўлманг, у ердаги жўшқин меҳнат жараёнига гувоҳ бўласиз. Мамлакатимиз раҳбарининг яқинлашиб келаётган 2006 йили «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиши ушбу соҳа вакиллари беҳад қувонтириб юборди.

— Юртбошимизнинг Конституциянинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси биз тиббиёт ходимлари қалбини гурур ва фахр туйғуларига тўлдирди, — дейди Данғара тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудири, олий тоифали шифокор Комилжон Йўлчиев. — Бундай юксак эътибор ҳар биримизни тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларда янада фаол иштирок этишга ундаши шубҳасиз.

Айни кунда Данғара туманида 130 мингдан ошқ аҳоли истиқомат қилади. Ушбу аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш, касалланишини олдини олиш, ногиронликни камайтириш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун 440 ўринли 5 та шифохона, 1610 беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлган 17 та амбулатория, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, 1 та ташхис бўлими, марказий ва болалар стоматология поликлиникалари, силга қарши кураш диспансери, туман санитария-эпидемиология назорати маркази, саломатлик маркази, ҳўжалик ҳисобидида зарарсизлантириш бўлимлари аҳолига хизмат қилмоқда.

Жаҳон тараққиёт банки кредит маблағи ҳисобига тумандаги бир қанча қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига ўртача 25-30 минг АҚШ долларига тенг тиббий жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Бунинг натижасида айни кунларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имконияти жуда кенгайрилди. Марказий шифохонада амбулатория, қишлоқ врачлик амбулаториялари ўрнида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва малакали шифокорларга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

2005 йилда эса туман Марказий шифохона маъмуриятига «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам машинаси тақдим этилди. Шу билан бирга 13 миллион сўм қийматга эга бўлган сунъий нафас ва наркоз аппарати, 2 миллион 600 минг сўмлик жарроҳлик асбоб-анжомлари келтирилди. Шифохоналарнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган бу ижобий ишларда ҳомийларнинг ҳам ёрдами катта.

Туманда бу йил «Саломатлик лойиҳаси» дастури асосида 5 та ҚВП қайта қурилиши ташкилланиши режалаштирилган эди. Шундан ҳозир 3 таси ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, Марказий шифохона тугруқ мажмуида мукамал таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Марказий болалар поликлиникаси ва марказий шифохона қошида ҳамширалар ва врачлар малакасини ошириш туман марказлари ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасидан бугун дангараликлар баҳраманд бўлишмоқда. Шу билан бирга улар юртбошимиз ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган янги йилни интиқлик ва катта орзу-умидлар билан кутишмоқда.

Содиқом Абдурахмонов,
«Адолат» мухбири

Кейинги йиллар тажрибаси фермер ҳўжаликлари ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелликка эришяётгани, зарар кўриш эҳтимоли эса ниҳоятда пастлигини исботлади. Масалан, биргина Уйчи туманида ўтган 2004 йил якуни бўйича 12 та ширкат ҳўжалиги 656 миллион сўм фойда олган эди. Мавжуд 285 та фермер ҳўжалиги эса мазкур кўрсаткични роппаросса 80 миллион сўм ортиғи билан, яъни 736 миллион сўмга етказиб фойда кўрган. Ҳолбуки, фермерлар фойдаланаётган ерлар тумандаги жами ер майдонининг 34 фоизини ташкил этади.

Гап шундаки, аввало, мулк фермер қўлига ўтганда фаолиятини юқоридан бериладиган кўрсатма ва буйруқлар асосида эмас, балки бозор қонунлари билан белгилайди.

2004 йил якуни бўйича Наманган вилоятида зарар кўриб ишловчи ва кам рентабелли 30 та ширкат ҳўжаликлари тугатилган эди. Шулар ичида Уйчи туманидаги Охунбобоев номли ҳамда «Зарбдор»

ширкат ҳўжаликлари неғизида 63 та янги фермер ҳўжаликлари ташкил этилиб, 19 та мавжуд фермерларнинг ер майдонлари кенгайтирилди. Натижа самарали бўлди. Хусусан, пахтачилик ва галлачиликда харажат кам сарфланиб, даромад юқори бўлишига эришилди.

Мазкур ҳўжаликларни тугатиш ва қайта ташкил этиш жараёнларида таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчиликка

йўл қўймаслик мақсадида ҳўжаликларни қайта ташкил этаётган комиссиялар кескин чораларни кўрмоқда.

Вилоят бўйича фермер ҳўжаликлари айлантеририлиши белгиланган 44 та ширкат ҳўжаликларида тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни халққа етказиш, танлов иштирокчиларининг аризаларини расмийлаштириш ҳамда адолатли танлов тадбирлари қизгин давом этмоқда.

(Давоми 3-бетда)

С. ШУХРАТОВА,
«Адолат» мухбири

Ширкат ҳўжаликлари ўрнида ташкил этилаётган фермер ҳўжаликларида махсулот ишлаб чиқариш ҳажми нечоғли ошса халқимизнинг турмуш даражаси ҳам ортиб, joyларда янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Шу боис ҳам Президентимиз ташаббуси билан фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва уларга

молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1997 йил Дехқон ва фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил топганди.

Мақсад — ҳали бундан саккиз йил муқаддамоқ, экин майдонларини тажрибали, укувли-укувли дехқонлар қўлига бериш йўли билан иқтисодиётимизнинг равнақ топиши ва халқимизнинг фаровон яшашига мустаҳкам асос солиш эди. Зеро, «Ерни боксанг, ер ҳам сени боқади» — деган



Мазкур анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ташкилотларидан таширф буюрган делегатлар, партия фаоллари, фахрийлари, жамоат ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби ййигиланларни Умумпартия конференцияси билан самимий қутлади. Конференцияда дастлаб раёсат аъзолари сайланди. Шундан сўнг партия раҳбари «Адолат» СДП томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Сиз конституцияни биласизми?» мавзусидаги иншо-лар кўрик-танлови голибларини тақдирлади.

Конференцияда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмухамедова маъруза қилди.

«Адолат» СДП ўз олдиға ҳаёти-мизда адолат мезонини қарор топ-тириш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳуқуқий де-мократик жамият қуриш ва Ўзбе-кистонни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишдек эзгу ишға муносиб ҳисса қўйишни асосий мақсад қилиб қўйган. Ушбу эзгу мақсад-ларға эришишда партия фуқаро-ларнинг конституциявий ҳуқуқ ва

эркинликларини таъ-минлашға қаратилган қонунчиликни янада ривожлантириш, халқимиз-нинг саломатлигини му-стаҳкамлаш, юқори ма-лакали тиббий ёрдам олиш кафолатларини таъминлаш, фуқаролар-ға янги иш ўринларини яратиш орқали, уларнинг иш билан барқарор таъ-минланишига эришиш, аёллар ва ёшларни иш-сизликдан ҳимоя қилиш-нинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, ёшларнинг замонавий таълим олиш, касб-хунар эгаллаш, уй-жой-ға эга бўлиш имконият-ларини кенгайтириш каби устувор йўналиш-

ларда иш олиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида партия муайян ишларни амалға ошир-ди. Олиб борилган тарғибот ва таъвиқот ишлари ҳамда дасту-рий фаолият натижасида мам-лакатимиз бўйлаб 181 та шаҳар ва аҳоли пунктларида 3120 дан ортиқ бошланғич партия ташки-лоти тузилди. Ҳозирги кунда партия ўз сафига 50 мингдан зиёд фуқароларни бирлаштир-ган. Улар орасида таниқли дав-лат ва жамоат арбоблари, олим-лар, шифокорлар, ўқитувчилар



(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда амалға оширилаётган

ислохотларни ривожлантиришда

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик

партиясининг тугган ўрни ва навбатдаги

вазифалари тўғрисида Ўзбекистон

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби

Дилором Тошмухамедованинг маърузаси

Ҳурматли конференция делегатлари!

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида бир қатор муҳим воқеалар юз берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар сиёсий партияларнинг катта фаоллик билан ниҳоятда кучли рақобатчилик шароитида кураша олишлигини кўрсатди. Ватанимиз тарихида ilk бор профессионал тарзда шаклланган Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлган икки палатали Парламент фаолият кўрсата бошлади.

2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти Истом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» маърузасида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш концепцияси ва шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислох этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифалар ва сиёсий партиялар учун янги фаоллик даврини белгилаб беради.

Партия дастуридаги асосий тамойил, мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг уч фракцияси —Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси томонидан Демократик блок ташкил этилди ва Парламентда реал — қўнчилик овозга эга бўлиш имконияти тутилди. Бу — партияимиз ҳаётидаги катта воқеадир.

Шу йил феврал ва сентябр ойларида бўлиб ўтган партия Сиёсий Кенгаши III ва IV Пленумлари қарорларини бажариш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси ҳамда жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, фракция депутатлари томонидан ўтган давр мобайнида 28 қонун лойиҳаси бўйича 237 та таклиф тайёрланди ва тегишли қўмиталарга тақдим этилди. Барча фракция аъзолари ўз қўмиталари томонидан ташкил этилган назорат-таҳлил текширувларида фаол қатнашдилар.

(Давоми 2-бетда)

Танлов

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишлаб, Республика миқёсида касб-хунар коллеж, академик-лицей талабалари ва умумтаълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари ўртасида «Сиз конституцияни биласизми?» мавзусидаги иншо кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда голиблар аниқланиб, «Адолат» СДП томонидан қимматбахо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ғолиблар аниқланди

Севинч Машарипова,
Хоразм вилоятлидир.
Кўрик-танлов 1-ўрин соҳибаси:

— Иншо ёзаётган чо-гимда ватанимиз қомуси бўлган Конституцияга бўлган ҳурматим яна бира қарра ошди. Чунки, мен уни қайта-қайта ўқиб ўргандим ва англаганларимни қозғоға туширдим. Бутун фикру шуурида мен учун ягона муқад-дас бўлган она-Ватаним-нинг қомоли, энг гузал су-рати намоён бўлди. Ва мен ўша ўлкада ўсиб-ўлғаяётганимдан, таълим ва тарбия олаётганимдан беҳад бахтиёрман. Конституция-миз ана шундай шуқули қўнларнинг қафили, кўзусидир.

Биз — голиблар бўлгуси «Адолат»чилар деб фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилганда қувончим икки ҳисса орди.

Гўлрўх Муқалласова,
Самарқанд вилоятлидир.
Кўрик-танлов 2-ўрин соҳибаси:

— Бир сўз билан айтганда, бу танлов «Адолат» партиясининг ёшларга бўлган интилиши ва ҳомийлиғидир.

Кўпроқ сиёсий адабиёт-ларни мутолаа қиламан. Ай-ниқса, сиёсий партиялар фа-олияти, уларнинг тарихида ва жамиятда тутиб келган ўрни кишини бефарқ қол-дирмайди. Дунё сиёсий ҳа-ракатлари ичида социал-демократларнинг нуфузи анча баланд. Улар жамоатчиликнинг катта ишончини қозонишган. Шу маънода «Адолат» СДПнинг сиёсий майдондаги ўрни ва позицияси менга ёқади.

Ростини айтсам, қўрик-танловда иштирок этиб, совринли ўрин эгаллаганимдан бағоят мамнунман.

(Давоми 3-бетда)

ҚОНУНЛАРНИ БИЛИШ УНИ ЎДАН БИЛИШДА ЭМАС, БАЛКИ МОХИЯТИНИ ТУШУНИШДА. **Цицерон**

Ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига

ХАЛҚИМИЗ ИФТИХОРИ

Клара МАЪМУРОВА,
Тошкент Тиббиёт Академияси
катта ўқитувчиси

Жаҳон маданияти ва илм-фанини Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Али ибн Синонинг (980-1037) улкан кашфиётларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Рус шифокори Б. Петровнинг таъкидлашича, «Ўрта асрларда Европада билимлар кўламини билан, истеъдоди, меҳнат қобилияти, улкан ижодий ютуқлари билан ҳеч бир шахс унга тенглаштириб бўлмайди».

Ибн Сино фалсафа, математика, астрономия, физика, ботаника ҳамда мусиқа каби

фанларга оид асарлар яратган. Мутафаккир аллома, айниқса, тиббиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Жумладан, тиббиёт тарихи, анатомия, физиология, фармакология, руҳий касалликлар, жарроҳлик бўйича бемисл ишларни амалга оширган. Қолаверса, биринчи бўлиб қон компонентлари — плазма ва лейкоцитларни аниқлаган, дифференциал диагностика асосларини яратган аллома клиник неврология соҳасидаги илгор фикрлари билан ҳам соҳани тараққий эттирди.

Ибн Синонинг тиббиётга оид илмий асари «Тиб конунлари» («Китоб ал-конун фи-т-тиб») бўлиб, у ўрта асрларда, айниқса, Европада жуда маш-

хур бўлган. Асар XII асрда лотин тилига таржима қилиниб, XIV-XVI асрларда 40 марта тўлиқ нашрдан чиққан. Европа тиббий масканларида ҳас-талиқнинг олдини олиш ва даволашда муҳим қўлланма сифатида фойдаланиб келинган. 1471 йили Италияда нашр қилинган тиббий энциклопедияда буюк бобокалонимизнинг исми уч минг мартаба, тиббиёт фанининг отаси ҳисобланган Букротнинг номи 140 марта зикр қилинган. Данте Алигери эса ўзининг «Илохий комедия» асарида антик давр тиббиётининг буюк намояндалари Букрот ва Жолинуснинг номлари билан бир қаторда Ибн Синонинг номини ҳам келтириб ўтади.

Пойтахтимиздаги 21-мактаб педагогик жамоаси келажимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларимизни маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, мактаб жамоаси ёшларнинг мустақил фикр юритиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиб, турли хилдаги тўғра-раклар, дарсдан ташқари машғулотлар фаолиятини йўлга қўйган.

Суратда: мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Мамлакат Мақсудова бошланғич синф ўқувчиларига мамлакатимизнинг истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Комил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Тиббиётда ҳасилатни даволашдан кўра олдин олган яхши, деган ибора бор. Шаҳрисабз туманидаги 2-марказий шифохона жамоаси ҳам бунга амал қилиб, аҳолига намунали тиббий-профилактик хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда касалхонада фаолият олиб бораётган 2096 нафар тиббиёт ходимининг 260 нафарини малакали шифокорлар ташкил этади. Жамоа аъзолари «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этишмоқда. Мактаблар, коллеж ва лицейларда, қорхона ва ташкилотларда, маҳалла-ларда ўтказилаётган мулоқотларда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишнинг аҳамияти ҳақида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Шифохона жамоасининг саъй-ҳаракати билан «Ёш оилалар мактаби»да 296 нафар, «Соғлом оила» дастури бўйича эса 240 нафар

Шаҳрисабзлик шифокорлар

аёллар ўқитилди. Тўртта кишлоқ фуқаролар йиғи-нида аҳоли репродуктив саломатлигини яхши-лаш бўйича кенгайтирилган йиғилишлар ўтказил-ди. Салкам 31 минг нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Кўп йиллик тажрибалардан шу нарса аён-ки, — дейди касалхона бош шифокори Махмуд Муҳаммадиев, — одамлар дардга чалин-масликлари учун, аввало, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари керак. Бундан ташкари, соф ҳаво, тоза ичимлик суви, таомларнинг зарур моддаларга бой, тўйимли бўлиши ҳам саломатликка муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот иш-ларимизда ана шу жиҳатларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шифохона ходимлари ёрдамга муҳтож ки-шиларга ҳам алоҳида ғамхўрлик қилишмоқ-да. Тумандаги 26 нафар қаровчиси йўқ қария-лар, 71 нафар уруш фахрийси доимий ди-кат-этиборида.

«Андижанка»
пешқадам

Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида мини футбол бўйича хотин-қизлар ўртасидаги республика чемпи-онатининг 1-тур беллашувлари якунланди.

Мусобақанинг марказий уч-рашуви биринчи турнинг сўнгги куни амалдаги мамлакат чемпи-они — Қаршининг «Севинч» ва чемпионатда илк мартаба иштирок этаётган «Андижанка» (Андижон) жамоалари ўртаси-да ўтказилди. Кескин ва муро-сасиз курашларга бой бўлган учрашув 5:4 ҳисобида водий-ликлар фойдасига ҳал бўлди.

Мусобақа жадвалида «Анди-жанка» 21 очко билан пешқа-дамлик қилмоқда. Тўпурарлар баҳсида ҳам водийлик футбол-чи қизлар етакчилик қилмоқда. Чемпионатнинг иккинчи тур беллашувлари 2-6 февраль кун-лари Самарқанд шаҳридаги «Даҳбед» спорт мажмуида ўтқа-зилади.

Мусобақа
яқунланди

Хукукни муҳофаза қилиш хо-димлари ўртасида ўтказилган кўп жанги спорт бўйича ет-тинчи халқаро турнир нихояси-га етди. Мусобақада мамлака-тимиз вакиллари билан бирга қозогистонлик кўп жанги уста-лари иштирок этди.

Икки кун давом этган мусо-бақада йигирма тўртта жамоа аъзолари 8 та вазн тоифасида татамига чиқишди. Жаҳонгир Муродов, Рустам Мадиев, Аза-

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири

Маҳорат

Термиз шаҳридаги футбол мактаб-интернати маҳоратли спортчи ёшларни тайёрлашда сал-моқли ютуқларга эришиб келаётир. Яхши пар-варишланган дарахт ўз ҳосилини бергани каби бу даргоҳни битириб кетган ўнлаб ёшлар турли профессионал футбол жамоаларида тўп суриш-моқда.

Мактаб-интернатда мавжуд моддий-техника базани мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараё-нини юксалтириш, ўқитувчи-мураббийлар ма-лакасини ошириш бўйича муайян ишлар амал-га ошириляпти. Хусусан, шу кунга қадар 28 нафар ўқитувчи малака курсларида таҳсил олди.

— Ёш футболчиларимизни яхши билим оли-ши, моҳир спортчи бўлиб етишишлари учун барча қулайликлар яратилган. Улар ётоқхона билан таъминланган. Спорт майдончалари, 88 ўринга мўлжалланган ошхона ўқувчиларимиз хизматига — дейди мактаб-интернатнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Орзухон Қўрбонова.

Болалар спортини ривожлантириш бугунги куннинг устувор вазифаси. Мактабда ўқувчи-

Спорт

мат Қўрбонов ва Жалолиддин Маллаев сингари спортчилари-миз шохсуга кўтарилиди. Умум-жамоа ҳисобида эса Тошкент шаҳар ёнгинга қарши кураш олий маҳорат мактаби, «Қал-қон» клуби ҳамда Самарқанд вилоят ички ишлар бошқарма-си ходимлари ғолиб чиқишди.

Малайзиядан
медаллар
билан

Малайзия пойтахти Куала Лумпурда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё чем-пионатини нихоясига етди.

Йигирма саккизта терма жа-моа иштирок этган мазкур му-собақада спортчиларимиз жами 26 та медални кўлга киритиш-ди. Эътиборлиси, улардан етти-таси олтин медалдир.

Коллежда
халқаро
турнир

Самарқанд шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежида қаратэ бўйича бо-лалар ва ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли мусобақада барча вилоятларимиз билан бирга Қозогистон ва Россия-дан келган беш юздан ортиқ ёш қаратэчилар иштирок этди.

Беллашувлар натижаларига кўра умумжамоа ҳисобида му-собақа мезбонлари бўлган са-марқандлик спортчилар бирин-чи ўринни эгаллашди. Қолган фахрли ўринлар Тошкент шах-

ри, Қозогистон Республикаси, Наманган ва Фарғона вилоят-лари спортчиларига насиб этди.

Янги мажмуа

Андижон вилоятининг Дардак кўргонида янги спорт мажмуа-си қурилиб, фойдаланишга топ-ширилди.

Бу спорт иншоотининг қури-лишига республика болалар спортини ривожлантириш жа-мармаси томонидан 140 милли-он сўмдан зиёд маблаг сарф-ланди. Шунингдек, спорт иншо-отининг бунёд этилишига тад-биркор ва фермерлар ҳам му-носиб ҳисса қўшишди. Кишлоқ ёшларини спорт кийимлари би-лан таъминлаш, жиҳозлар харид қилиш учун беш миллион сўм ажратилди.

Ёпиқ спорт зали ва очик май-донда спортнинг йигирма тури билан шугулланиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Ўқув семинари
яқунланди

Пойтахтимизда Мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар таш-килоти ташаббуси билан ўтказил-ган ўқув семинари ўз нихоясига етиб, қатнашчиларга сертификат-лар топширилди.

Семинарда республикаимиз-нинг барча ҳудудидан келган ўттизга яқин мураббий ва йурик-чиларга бу борадаги вазифалар-ни бажариш бўйича тавсиялар берилди. Етакчи мутахассислар семинар иштирокчиларига юқори тоифадаги спортчиларни тайёр-лаш, уларнинг услубий ҳамда ил-мий тажрибаларини ошириш юза-сидан маърузалар ўқиди.

ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида дарс-дан ташқари ҳар-хил секциялар ишлаб турибди. Бундан ташқари, интернет раҳбарияти турли му-собақаларда ўқувчиларнинг иштирок этишига катта эътибор қаратган. Негаки, ҳар қандай иқти-дор аниан мусобақаларда синовдан ўтади, тоб-ланади. Шунинг учун ҳам мактаб-интернат жа-моаси ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан аъ-навий равишда хотира турнири ўтказиб келин-япти. Унда Денов, Сарюсийе, Қумқўрган туман-лари вакиллари ҳамда қашқадарёлик ўсмир ёшлар иштирок этмоқда.

мактаби



талигига ҳавасингиз келади.

— Менга қолса Эркин бобо яратган богнинг номини «Эркинобод» ёки «Эркинчорбоғ» деб атаган бўлардим, — дейди 31-мактаб раҳбари Шавкат Мавлонов.

«Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғи-ни раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Воҳид ота Қўрбонов эса Эркин бобонинг меҳнатлари қадрини шундай таърифлайди:

— Ўзбекларда «меҳнатда пишган», деган ибора бор. Эркин ака эллик йил-лик богбонлик ҳаёти давомидида ўн минг тулдан зиёд ниҳол кўкартирган ми-ришкор. Жаннати одам деб ана шун-дай кишиларни айтсалар керак.

Отахон катта оиланинг бошлиғи. Рўзгориди ўндан ортиқ киши бир қозондан овқат ейди. Аёли Тошбиби ая меҳмондўст. Қулиб туриб «йўқдан бор» қилади. Эркин отанинг суянқла-ри — ўгли Ўткирбек, набираси Умид-жон богбончиликнинг сир-асорларини эгаллаштиради. Демак, бог ҳеч қачон қаровсиз қолмайди. «Эркинчорбоғ» ҳамиша гуллаб-яшнаб туради, элга ризқ улашаверади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП раҳба-рияти Миробод тумани «Дўстлик» ма-ҳалласи раиси, партия фаоли Жума-хон Абдиевга онаси
Равшангул аянинг
вафоти муносабати билан чўқур таъ-зия изҳор этади.

ИбраТ

ЎМРИ ЧОРБОҒ ОТАХОН

Дилмурод ЖАББОР,
«Адолат» мухбири

Кўп қаватли уйларда истикомат қиладиган одамлар орасида нуруний оқсоқоллар кам учрайди. Шовқин-су-ронга уларнинг тоқатлари йўқ, асаб-лари чидамайди. Сухбатга истамай-роқ қўшилишди. Ёшлар гаштак бош-лаб қолишса, секин кўзгалишди: «Сиз-лар бафуржа отамлашавиринглар, на-мознинг вақти бўлиб қолди».

Шаҳарнинг Абдурахмон Жомий мавзеи ҳудудининг «Замондош» ма-даният уйи теварагидаги киши кўзи-ни қувнатадиган кўркам бог богбони Эркин ота Рўзиевнинг кексаликдаги феъл-у аъвори эса ўша-ўша — йигит-лик давридагидек. Отахоннинг соч-соқоли оппоқ бўлса-да, кўзлари чак-ноқ. Очик чехраси: «Бир ўзингиз кел-дингизми ёки тагин бирор киши бор-ми?» дегандек доим меҳмон қутишга шай. Ёнги шимарил-ган қадок кўллари билан меҳ-монга чой қуийиб узатишни фарз деб билади.

— Янгиликлардан сўйланг, — дейди отахон совиб қол-маслиғи учун чойнак устини сочиб билан ўраб.
— Аввал эгингизга бирор нарса илинг, терлаган кўри-насиз, — десангиз «Ўрганиб кетганман», дея кўп сийтайди.

— Кеча кўшингизни бироз уялти-рдим, — дейди Эркин ота гурунг бошлаб.
— Хали элликка бограни йўғу зўрга одим-лаб кетаяпти. Ҳол-аҳвол сўрасам, уч кун-дан буён суяқларим зиркирайди, дейди. Қаттиқ шамоллаган эмиш. Бизнинг чор-боғда зўр дори бор дедим. Дард тани-дан ўтган чоғи, таққа тўхтаб шошилиб сўради: «Қанақа дори, номини айтинг. Ёки бирор қайнатма зирворми?». Номини «Кетмондори», дедим. Ҳазилни тушуниб аранг жилмайди. Қулғу қилаяпти деб уйламанг, бизнинг ёшингизда ҳар кун дорихонага югуриш шарт эмас. Кўп меҳ-нати билан шугулланмаганингизга ҳам 30-35 йил бўлгандир, дея сўрадим ун-дан. «Рост», деди. У шу кунни кўрпачдек жойини ағдариб берди. Дам олиб, яна шунча жойини «қора»лади. Икки соатлар-дан кейин узини яхши ҳис қилаётганини айтди. Дорихонага бормади. «Кетмон-дори»нгиз иш берди, дейди. Энди дори-дан иқтисод қилинган пуллардан бир зиёфат берадиган бўлдингиз ука, дедим ҳазиллашиб.

Чолининг гапи таъсир қилдики, юз марта кўрганим шу чорбоққа яна разм солдим. Дарахтлар худди муаллимни

тинглаётган ўқувчидек қилт этмайди. Отахон кўл етгудек бўлиб турган шаф-толиннинг нозик новдасини силаб, деди: — Учинчи ёшга ўтди. Қаровсиз жой-да данагидан кўкариб, ажриқнинг ис-канжасида ётган экан. Бултур қунириб келтириб ўтказган эдим. Бир йилда хус-нга кирди. Дарахтга ҳам меҳр керак. «Қарасанг богман, қарамсанг доғман», деган. Ўн беш йилдан буён шу жойда-

Очерк

ман. 200 дан зиёд мева, манзарали дарахтларнинг бари-бари билан «гап-лашаман». Улар ҳам инсонга ўхшайди. Ҳар қайсисининг ўз феъл-аъвори бор. Масалан, анаву олма дарахтининг жой-ини уч бор алмаштирдим. Урнашиб кетиши қийин кечаяпти. Барибир унинг «тилини» топпаман.

Чол кетмоннинг дастасини силай бошлади.
— Ана шу бир қарич таёқ — менинг халоскорим. Рўзгорим ҳам шунинг ке-тидан ўтади. Қаранг, шўрлаб турибди. Қат-қат туз бўлса керак.

МЕҲНАТ ҒАМ-ГУССАЛАРГА БЕПАРВО ҚИЛАДИ. Кант